ДЕҲҚОН БАҲОРИ ЧОРЛАМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 33 (5894).

16 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг А. И. Чуднаяга йўллаган мактуби Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз сут соғувчиси Г. Мусақуловани ҳам янги ғалабаларга руҳлантириб юборди. У қарамоғидаги 26 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4000 килограммдан ошириб сут соғиб бериш мажбуриятини олди. Йиллик планини эса Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача бажаради. Суратда: илғор сут соғувчи Г. Мусақулова.

И. Портнов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ АГИТАТОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРНИ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА САФАРБАР ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи агитаторларининг меҳнаткашларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш соҳасидаги иш тажрибаси тўғрисидаги масалани кўриб чикди.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводини Туркистонда революция бешиги деб тўғри айтишади. Ўлка уюшган ишчилар синфининг илк ўчоқларидан бири бўлмиш завод коллективи Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР тарихига кўпгина шонли саҳифалар ёзди. Корхона меҳнаткашлари социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида ҳамиша Улуғ Октябрь идеаларини қарор топтириш учун курашнинг олдинги сафида бўлиб келдилар, революцион онглилик ва фидокорона меҳнат қилишнинг муносиб намуналарини кўрсатдилар.

КПССнинг XXV съезди қарорлари юзага келтирган умумхалқ меҳнат ғайрати ва юксак сиёсий жўшқинлик туфайли завод коллективи 1976 йилда бир қанча жуда муҳим кўрсаткичлар бўйича халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарди. Электр энергияси, ёқилғи, металл тежаш юзасидан катта-катта тадбирлар ўтказилди. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этиш натижасида 217 минг сўмдан ортиқ самара олинди.

Корхона коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми ҳамда СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг қарорларига иш билан жавоб бериш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашнинг ҳамма ходимлари қатнашмоқда.

Ишчанлик ва ижодкорлик вазиятини вужудга келтиришга, корхона меҳнаткашларини халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишда сиёсий агитация кадрлари катта роль ўйнамоқдалар. Заводда 145 агитатор, 41 сиёсий ахборотчи, 182 мураббий, 19 докладчи, 24 пропагандист кундалик ғоявий-сиёсий ва тарбиявий иш олиб бормоқда. Партия ташкилоти оммавий агитация кадрларининг асосий эътиборини коллектив аъзоларининг меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини рўёбга чиқариш учун собитқадам кураш олиб боришга қаратишга интилмоқда.

Заводда Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг конкрет плани ишлаб чиқилди ва у амалга оширилмоқда. Бу планда социалистик мусобақани янада юксалтириш ва зиммага олинган мажбуриятларни идеологик жиҳатдан таъминлаш, ишлаб чиқариш илғорлари ва зарбдорларининг ватанпарварлик ташаббусларини ёйиш юзасидан кўпгина тадбирлар комплекси ўтказилиши кўзда тутилган. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йилликда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларини пропаганда қилиб ва тушунтириб бериш докладларда, нутқларда, суҳбатлар ва бошқа оммавий тадбирларда асосий ўринни эгаллайди. Шу мақсадда мунтазам равишда лекциялар, сиёсий ахборотлар, революция, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, клублар ва ишчи ётоқхоналарида тематик кечалар ташкил этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ёш авлодни ишчилар синфи ва жонажон корхонанинг қаҳрамонона анъаналари руҳида тарбиялаш, коллектив ҳамма аъзоларида марксизм-ленинизм дунёқарашини шакллантириш борасида қунт билан ўтказилаётган индивидуал ишлар билан муваффақиятли қўшиб олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон агитатори» журналининг 1977 йил 1-сонида завод агитаторлари республикадаги ҳамма агитация ходимларига мурожаат қилиб, партия билан совет халқининг қаҳрамонона ишлари, СССР халқларининг аҳил оиласида амалга оширилган буюк ўзгаришлар тўғрисида, Октябрнинг улуғвор ғалабаси — совет турмуш тарзи ҳақида кишиларга конкрет мисоллар асосида ёркин ва ишонарли қилиб илҳом билан гапириб беришга даъват этдилар. Завод агитаторлари ҳамма билим ва тажрибаларни, истеъдод ва куч-ғайратларни партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми ҳужжатларини кенг пропаганда қилишга қаратишга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кураш умумхалқ ҳаракатининг ташкилотчилари ва илҳомчилари бўлишга чақирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи агитаторларининг меҳнаткашларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш соҳасидаги иш тажрибасини маъқуллади.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига тепловоз-вагон ремонти заводи агитаторларининг тажрибасини ҳамма агитколлективларда кенг пропаганда қилиш ва муҳокама этишни уюштириш, оммавий-сиёсий ишлар мазмунини яхшилаш ҳамда форма ва методларини янада такомиллаштириш чораларини кўриш, ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларни Октябрь юбилейини муносиб кутиб олишга сафарбар этишда сиёсий агитация кадрларининг қатнашиш тадбирларини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ишларда Октябрнинг 50 йиллигини, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини, СССР, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини байрам қилиш даврида орттирилган тажрибалардан кенг фойдаланишни тавсия қилди.

Республика, область, шаҳар ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга ҳамда телевидение ва радио эшитириш давлат комитетига меҳнаткашларни партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўнинчи беш йилликда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда республика агитация кадрлари орттирган тажрибани мунтазам равишда пропаганда қилиш вазифаси топширилди.

ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ЭКОНОМИКАНИНГ ЮКСАК ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАН СЕКТОРИГА АЙЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН АГРАР СИЕСАТИ ЭНГ МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. БУ СИЕСАТ ЛЕНИН КООПЕРАТИВ ПЛАНИНИНГ ЯНГИ ШАРОИТЛАРДАГИ ДАВОМИ ВА ИЖОДИЙ РИВОЖИДИР. УТГАН УН ЙИЛ МОБАЙНИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ШУНДАН АВВАЛГИ ҲАММА ЙИЛЛАРДАГИГА ҚАРАГАНДА ДЕЯРЛИ ИККИ БАРАВАР КЎП МАБЛАҒ САРФЛАНДИ. ПАРТИЯНИНГ ҲОЗИРГИ АГРАР СИЕСАТ ЙЎЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЁРДАМ БЕРДИ.

[КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қароридан].

ТЕХНИКА РЕМОНТИ СИФАТЛИ БЎЛСИН

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Бу йил деҳқонларимиз ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллаш учун ўзгача ғайрат, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар пахта, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтариш учун деҳқончилик маданиятини ошириш, илғор тажриба ва фан ютуқларини қўлланишга катта эътибор бермоқдалар. Қўклам экиш кампаниясига тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда. Илғор хўжаликлар экишни муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма нарсани шай қилиб қўймоқдалар. Ерлар текисланмоқда, ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозаланмоқда, далага кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаётир.

Маълумки, бугунги деҳқоннинг меҳнати ва ютуғини техникасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Техника ҳар бир соҳада, ҳар бир ишда деҳқонга мададкор бўлмоқда. Шу туфайли ҳам дала ишлари қучайтириб юборилган ҳозирги кунларда техникани экиш мавсумига сифатли созлаб қўйиш — мўл ҳосил гаровидир.

«Шундай қилиш керакки, —дейилади КПСС Марказий Комитетининг Мактубида,— ҳар бир республика, ўлка, область, ҳар бир колхоз ва совхозда, бўлим ва бригадада «Сельхозтехника» корхоналарида машиналарни кўклами экишга тайёрлашнинг календарь графиклари ишлаб чиқилсин. Ремонт ишларининг юксак сифати таъминлансин. Сифатга алоҳида эътибор берилиши керак. Кейинчалик машина-механизмларнинг бекор туриб қолиши, муддатларнинг ўтиб кетиши, ҳосилнинг бой берилиши каби машина-механизмларни дала ишларига муддатидан илгари ва юқори сифатли қилиб тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

«Шундай қилиш керакки, —дейилади КПСС Марказий Комитетининг Мактубида,— ҳар бир республика, ўлка, область, ҳар бир колхоз ва совхозда, бўлим ва бригадада «Сельхозтехника» корхоналарида машиналарни кўклами экишга тайёрлашнинг календарь графиклари ишлаб чиқилсин. Ремонт ишларининг юксак сифати таъминлансин. Сифатга алоҳида эътибор берилиши керак. Кейинчалик машина-механизмларнинг бекор туриб қолиши, муддатларнинг ўтиб кетиши, ҳосилнинг бой берилиши шиналари узел ҳамда агрегатларини созлашни беш қўлдек биласи. Шунинг учун ҳам бу колхозда ҳар йили экиш агрегатлари мавсумга барвақт шайлаб қўйилади.

Иваново ва Целиноград областлари ҳамда Бошқирдистон ремонтчи — механизаторларининг ташаббусига қўшилган бошқа кўпгина хўжаликларнинг механизаторлари ҳам ўз хўжаликларидаги мавжуд бўлган жами машиналарини тортгандан кўра, ҳозир, ҳали вақт борида ҳар бир машинани қайта-қайта текшириб чиққан яхшироқдир».

Афсуски, ҳамма ерда ҳам ана шу талабга риоя қилинаяпти, деб айта олмаймиз. Айрим районларда янги ҳосилга тараддуд кўриш юзасидан белгиланган кузги-қишки тадбирлар, шу жумладан, техника ремонти тўла-тўкис бажарилмаяпти.

Тўғри, маълумотни кўздан кечирсангиз аксарият техника ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари мавсумга шай қилиб қўйилганлиги қайд этилган. Бироқ, тайёр деб айтилган механизмлар қатор камчиликлардан ҳоли эмас. Бу гап фақат Оҳангарон райони механизаторларигагина эмас, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл районидаги айрим хўжаликларинг механизаторларига ҳам таалуқлидир.

Бекобод районидаги бир қатор колхозлар, Бўка районидаги «Кўкорол», Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозларида ҳам ана шундай нуқсонлар аниқланди. Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз пахтакорлари техника имкониятларидан оқилона фойдалана олмадилар ва ҳосилдорликни ошира олмай догда қолдилар. Афтидан ўтган йилги сабоқлар етарли эмасга ўхшайди. Акс ҳолда бу хўжаликда машиналарни сифатли ремонт қилишга, уларни мавсумга бекаму-кўст шай қилиб қўйишнига панжа орасидан қарамас эдилар. Бундай хўжаликларда ремонт ишларининг бориши билан таниша экансиз, техника статистика ташкилотларига маълумот бериш учун ремонт қилинадими? Ахир бу ўз-ўзини алдаш эмасми, деган савол туғилади.

Қиш-қировли кунлар ортда қолиб, илиқ-иссиқ кунлар бошланди. Ҳадемай, қўклам кириб келади. Бу йилги зиммага олинган мажбурият ўтган йилдагига қараганда анча юксак ва масъулиятлидир. Бу мажбуриятни бажариш учун, мамлакатга ҳар йилдагидан кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун барча имкониятлар мавжуд. Эндиликда ҳамма гап ана шу имкониятлардан, резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишимизга боғлиқдир.

Вақт кутиб турмайди. Экиш мавсуми бошланганда шошиб қолмаслик, белгиланган ҳар бир тадбирни ўз вақтида ва намунали бажарилишини таъминлаш керак. Айниқса ремонт сифатига биринчи даражали эътибор бериш керак. Ремонтдан чиқарилган тракторларни малакали мутахассислар иштирокида яна бир бор синчиклаб текшириб кўриш, бу техникаларнинг унумли ишлашига ишонч ҳосил қилинганидан сўнггина тайёр машиналар сафига қўшиш керак. Деҳқончилик касби шарафи, бурч масъулияти ана шуни талаб қилади.

МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб бериш мақсадида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Паррандабоқарларнинг бу йилги аҳди 44 миллион 200 минг дона тухум ва 500 тонна пархез парранда гўшти етиштиришдир.

Барча цехларда кенг қулоч ёйган ўзаро меҳнат беллашуви ҳозирданоқ қувончли самаралар бераётир. Январь ойида пландаги 3 миллион 41 минг дона ўрнига 3 миллион 641 минг дона тухум, 36,5 тонна ўрнига 41,3 тонна гўшт етиштирилиб, халқ хўжалик плани анча ортиғи билан адо этилди. Бунда социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган Ғайрат Алиматов, Константин Васильев ва Петр Эм раҳбарлик қилаётган цех коллективларининг ҳиссаси катта.

И. НЕЪМАТОВ.

ЮБИЛЕЙГА — 50 ЦЕНТНЕР

Бекободликлар Суюнбой Абдалиевни уста пахтакор сифатида танишади. У етакчилик қилаётган бригада аъзолари самарадорлик ва сифат беш йиллигининг биринчи йилида колхоз бўйича рекорд ҳосил олишга эришдилар.

Эрта кўкламдан бошлаб ниҳолларга ишлов бериш қулай агротехник муддатларда ўтказилганлиги туфайли бригада илк бор 40 центнерлик маррани эгаллади. Асосий ишларни техника ёрдамида амалга оширган пахтакорлар ҳосил таннархини кескин камайтиришга эришдилар ва мўмай даромад олдилар. Йил давомида олган маошларининг ҳар бир сўмига 2 сўм 28 тийиндан қўшимча ҳақ тўланди.

Илғор бригада аҳли КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига жавобан бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилди. Бригадада юксак мажбуриятга яраша иш олиб борилмоқда. Айрим карталарга яхоб суви берилиб, шўр ювилмоқда.

А. ҲАМЗАЕВ,
Навоий номли колхоз.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

ОҚҚУРҒОН. «Партия XXII съезди» колхозининг ремонт устахонасида шу кунга қадар 15 та чигит экиш сеялкаси, 30 та юк ташиш, 4 та ҳайдов трактори, 17 та пахта териш машинаси, 3 та ОВХ-14 агрегати дала ишларига тахт қилиб қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда М. Рисов, А. Кенжаев, Т. Бўтаев, О. Тошпўлатов каби ремонтчилар алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилдилар. Колхознинг қолган техника воситалари ҳам дала ишларига шайланмоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

* * *

БЕКОБОД. КПСС XXV съезди делегати Валлами Тўхтабоев ремонт ишида фаол иштирок этиб, ўз агрегатини экиш кампаниясига тайёрлаб қўйди. Унинг ҳамкасблари М. Йўлдошев, Х. Оллоёровлар ҳам ўзларига бириктирилган барча механизмларни сифатли ремонтдан чиқардилар. Бу механизаторлар меҳнат қилаётган Ойбек номли совхозда кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Мавжуд 64 та чопиқ, 20 та юк тракторлари, 42 та сеялка, 45 та культиватор, 30 та плугнинг барчаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, дала ишларига ҳозирланган.

Т. МАҲКАМОВ,
О. ҲАМРОЕВ.

* * *

ПИСКЕНТ. Ҳозиргача барча экиш ва чопиқ агрегатларини дала ишларига созлаб қўйган 1-«Пискент» совхозининг 6-бўлим механизаторлари пахта териш машиналари ремонтини қизғин давом эттирмоқдалар. Бегимқул Худойбердиев бошлиқ ремонтчилар бригадаси кундалик иш нормаларини ошириб бажаришмоқда. Шунингдек, юк ташиш тракторлари ҳам мавсумга тахт қилинмоқда.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

КАДРЛАРНИНГ ЎҚУВИ

15 февралда Тошкент олий партия мактабида партия ва совет ходимларининг малакасини оширувчи республикаларо курсларида тингловчиларнинг янги группаси машғулотга киришди. Қишлоқ район партия комитетларининг идеология иши билан шуғулланувчи секретарларидан юз киши, шунингдек Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетларининг масъул ходимлари бу курсларда ўқий бошлади.

Бир ойга мўлжалланган машғулотлар программасига мувофиқ марксизм-ленинизм назарияси ва коммунистик қурилиш практикасига доир актуал проблемалар юзасидан лекциялар ўқилади.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

● ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг бир қатор ишчилари областимиз саноат корхоналарининг илғор ўн ишчиси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, шонли санагача меҳнатда улкан муваффақиятларга эришишга азму қарор қилдилар. Комбинатнинг кўплаб ишчилари байрам арафасида икки йиллик план топшириқларини адо этишга бел боғладилар. Суратда: цех бошлиғи Абдуқаҳҳор Абдуллаев бир группа ишчилар билан бирга КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорини муҳокама қилмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, атоқли совет актёри, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси раиси, Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат Академик драма театрининг директори Олим Хўжаев 1977 йил 14 февралда 67 ёшида тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ИЛҲОМ МАНБАИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ТУҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ — ОММАГА

Улар билан биз область идеология ходимлари кенгашида учрашдик. Кенгашнинг бошланишига бироз вақт бор эди. Партия ташкилотларининг секретарлари, пропагандистлар, агитаторлар — идеология ходимлари зал фойесида суҳбат қуриб туришибди. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини пропаганда қилиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар юзасидан ўзаро ўртоқлашишяпти.

— Улуғ Октябрь революцияси асримизнинг энг асосий воқеаси бўлди,— дейди Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози партия ташкилотининг секретари Абдужалил Хожиқулов.— Октябрнинг ғалабасидан кейинги қисқа давр ичида совет халқи эришган улкан муваффақиятларга бутун жаҳон қойил қолмоқда.

Абдужалил Хожиқулов ўз хўжалиги аъзолари қўлга киритаётган ютуқлардан ҳикоя қилиб берди. Кейинги беш йилда колхозда пахта ҳосилдорлиги 8,5 центнерга кўтарилди. Илгаримлари ҳар бош соғин сигирдан 2300 литрдан сут соғиб олинган бўлса, эндиликда 3 минг литрдан ошириб сут соғиб олинаяпти. Маданий ҳаётда ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Колхозчилар ҳозир кенг ва ёруғ уйларда истиқомат қилмоқдалар. Уларнинг фарзандлари учун мактаблар, болалар боғчалари қуриб берилган. Яна 232 ўринли янги мактаб биноси бунёд этилаяпти. Мактаб янги ўқув йили бошлангунча фойдаланишга топширилади.

Колхоз идеология кадрлари мана шу фактлар асосида ҳозир партиямиз Марказий Комитетининг қарорини оммага етказмоқдалар. Қарорни пропаганда қилишга 16 агитатор, 35 сиёсий ташкилотчи, 15 сиёсий ахборотчи ва 16 лектор жалб этилган. Улар бевосита ишлаб чиқариш участкаларида бўлиб, қарорнинг моҳиятини пахтакор ва соҳибкорларга атрофлича тушунтириб бермоқдалар.

Қарорга жавобан янги-янги ташаббуслар туғилаяпти. Аҳмад Душабоев, Турсунали Раҳмонов, Жумабой Содиқов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари беш йилликни тўрт йилда бажаришга қарор қилдилар. Колхозчилар пахта ҳосилдорлигини бу йил 35 центнерга етказишга, ҳар бир соғин сигирдан 3200 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилдилар.

— КПСС Марказий Комитетининг қарори омманинг ижодий куч ва ғайратини яна ҳам ошириб юборди,— суҳбатга қўшилди Бекобод районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Владимир Васильевич Хам.— Буни биз кундалик ҳаётда сезиб турибмиз. Яқинда Адолат Рўзиматова, Турсунбой Рўзиев, Абдуқаюм Мадиёров ва Ҳаким Раззоков ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар шонли сана нишонланадиган йилда гектар бошига 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун кураш бошладилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашор Усмонов ва Хомиджон Сулаймонов бошлиқ участка пахтакорлари эса ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиб, беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга ваъдалар бердилар. Ҳозир колхозимиз идеология ходимлари илғорлар ташаббусини оммалаштириб, Совет ҳокимияти йилларида халқимиз, жумладан, хўжалигимиз меҳнаткашлари эришган ютуқларни таҳлил қилиб бермоқдалар.

Ленин номли колхоз партия ташкилоти ҳисобида 177 коммунист бор. Октябролди мусобақасида коммунистлар барчага намуна бўлмоқдалар. Улар ҳиссаси билан ўтган йили гектар бошига 31,5 центнердан пахта ҳосили олинган эди. Ҳалол меҳнатдан келаётган даромад ҳисобига ҳозир 200 ўринли мактаб, ҳар бири 90 ўринли 2 та болалар боғчаси, 4 та типовой дала шийпони қурилаяпти.

Колхозчилар ўртасида КПСС Марказий Комитети қарори асосида суҳбатлар ўтказаётган 26 агитатор, 28 сиёсий ахборотчи, 97 сиёсий ташкилотчи ва 18 лектор меҳнаткашлар эътиборини ўнинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратмоқдалар. Бу йил пахтакорлар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, давлатга 8 минг тонна «оқ олтин» сотишга, чорвадорлар эса ҳар бир соғин сигирдан 3700 литрдан сут соғиб олишга сўз берганлар.

Сиёсий ўқув машғулотларида ҳам тингловчилар ўз олдиларида турган вазифаларни атрофлича муҳокама қилишяпти. Илмий коммунизм курсида бу йил 217 киши ўз билимини ошираяпти. Бўлажак икки машғулотда тингловчилар КПСС Марказий Комитетининг қарорини ўрганишади. Ҳолмирза Аҳмадалиев, Абдували Эгамқулов, Алижон Ҳожимираев каби пропагандистлар бу машғулотларни ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитетининг қарори пропагандистлар қўлидаги ўткир қуролдир, —деди Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз пропагандисти Леонид Ким.— Мен кўп йиллардан бери марксизм-ленинизм асослари мактабида пропагандистлик қилиб келаяпман. Колхозимизда методик совет ишлаб турипти. Бундан ташқари партия комитети ҳузурида лекторий ҳам ташкил қилинган. Лекторий машғулотларини Тошкент олий ўқув юртлари олимлари ўтказишмоқда. Пропагандистлик санъати, партиямизнинг аграр сиёсати, ишлаб чиқаришни бошқариш юзасидан олимлар бераётган тавсиялар кундалик ишимизда кўл келмоқда.

Колхозда 27 пропагандист бор. Улар лекциялар ўқишга ҳам жалб қилинган. Ўтган йили турли мавзуларда 200 дан ортиқ лекция ўқилди. Ҳозирги кунда методик совет КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида тадбирлар ишлаб чиққан. Бу тадбирларда колхоз идеология ходимлари кенгашини ўтказиш, ветеранлар музейини ташкил қилиш, уч авлод учрашувларини уюштириш кўзда тутилган. Бу тадбирларнинг барчаси хўжалик ишларига боғлаб олиб борилади.

Суҳбатлар қизиб бораверди. Деҳқонлар ёнига саноатчилар ҳам қўшилишди. Узбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати партия комитетининг секретари Г. Г. Шчербаковнинг сўзларини ҳам даврада турган ҳамкасблар қизиқиш билан тинглашди. Комбинат идеология кадрлари қарорни ишчилар онгига етказиш юзасидан дастлабки ишларни амалга оширдилар. Улар барчани қарор билан тўла таништириб чиқдилар. Бўлиб ўтган семинарда навбатдаги иш программасини белгилаб олдилар.

Цехларда ўтказилаётган суҳбатлар давомида беш йиллиқнинг иккинчи йилида зиммага олинган мажбуриятларни тўла бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олинаяпти, ишчилар шахсий мажбуриятларнинг қандай адо этилаётганлиги ҳақида бир-бирларига сўзлаб бермоқдалар. Ҳозирги кунда комбинат бўйлаб беш йиллиқни муддатидан олдин бажариш бўйича мусобақа кенг қулоч ёймоқда. 14 киши бир беш йилликда икки беш йиллиқни, 200 киши беш йиллиқни уч ярим йилда, 700 киши эса тўрт йилда бажариш учун курашмоқда. Бу курашда ўн тўрт ташаббускорнинг бири, ёш коммунист Зоя Побединская барчага намуна бўлаяпти. У ҳозир 1978 йилнинг иккинчи ярми ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Илғор ишчи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача тўрт йиллик планни бажаришга аҳд қилган.

Область идеология ходимлари кенгашида янги вазифалар белгилаб олинди. Кенгаш қабул қилган тавсияномаларда бу вазифалар ўз акси топган.

Ж. НОСИРОВ.



Пойтахтдаги 3-босмахонанинг илғор полиграфчиси Сардор Алекперов маҳсулот сифатли бўлишига жиддий эътибор бериш билан бирга шахсий беш йиллигини уч ярим йилда бажаришга азму-қарор қилган. Суратда: С. Алекперов иш устида. М. Нуриддинов фотоси.

КАПИТАЛ РЕМОНТСИЗ 550 МИНГ КИЛОМЕТР

Алимкентдаги 46-автобаза ишчи-хизматчилари Анвар Умматов номини эҳтиёт ҳурмат билан тилга оладилар. Донгдор шофер йигирма бир йилдирки машина ҳайдайди.

Мана, етти йилдан бери «ГАЗ-53А» маркали юк автомашинасини бошқаряпти. Унинг машинаси доим ишга шай ҳолда туради. Барча қисмларини, айниқса ҳаракатланувчи узелларини тез-тез кўздан кечириб туради.

Нормага мувофиқ шундай юк автомашинаси 100 минг километр йўл босгандан сўнг капитал ремонт қилиниши керак. Анвар аканинг машинаси эса 550 минг километрдан ортиқ масофани юриб ўтди. Лекин, ҳали ҳам у капитал ремонтга муҳтож эмас.

Донгдор ҳайдовчи халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга тез ва соз етказиб беришда ҳам касбдошларига намуна бўляпти. Топшириқни доим ортиги билан адо этади. Шуининг учун ҳам у бир беш йиллик давомида икки беш йиллик нормани бажариш юзасидан зиммасига олган шахсий мажбуриятини знёдаси билан бажармоқда. Биргина ўтган йили 4,4 минг тонна юк ташиди. Бу нормадагидан икки баравардан знёд ортиқдир. Шу давр ичида 93 минг тонна-километр ўрнига 188,8 минг тонна-километр йўл босди.

Анвар Умматовнинг бу йилги режаси ҳам салмоқлидир. У КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб беришга бел боғлади. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил ҳам ўтган йилдагидан кам бўлмаган кўрсаткичга эришишга аҳд қилди. Йил давомида 4,5 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бериш, жуда бўлмаганда 190 минг тонна-километр йўл босишга ваъда берди. Моҳир ҳайдовчи ўз ваъдасининг устидан шараф билан чиқмоқда. Ҳар куни нормани 200 процент ва ундан ҳам ошириб адо этяпти.

Б. ЮЛДОШЕВ.

ШАРАФЛИ БУРЧ

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ОБЛАСТЬ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

МАМЛАКАТИМИЗДА меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш, уларга кўрсатилаётган маданий хизмат доирасини кенгайтириш борасида областимизда анча ишлар қилинди. Айниқса, қишлоқ турмуш маданиятини янада яхшилаш масалаласи шу куннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Қишлоқ ва посёлкаларда турмуш маданиятини ҳозирги талаблар даражасига кўтаришда маданий-оқартув муассасаларининг роли ва иштироки каттадир.

Янгийўл шаҳрида яқинда бўлиб ўтган маданият ходимлари область активи йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишни область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Э. Ш. Шодмонов очди.

Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тўғрисида область маданият бошқармасининг бошлиғи Ҳ. И. Умаров доклад қилди.

— Халққа маданий хизмат кўрсатиш шарафли бурчдир, дейди докладчи.— Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бу масалага катта аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва фан-техникани тараққий этилишида маданий-оқартув муассасаларининг ролини янада ошириш тўғрисидаги қарорида ҳам, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам олдимизда турган асосий вазифалар кўрсатиб берилган.

КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. Областимиз шаҳар ва қишлоқларида маданий хизматнинг янги формалари жорий этилди. Клуб, кутубхона ва бошқа муассасалар тармоғи кенгайди. Маданият уйларида олиб борилаётган тадбирлар қизиқарли бўлиб қолди.

Маданият ходимларининг кучи билан жойларда кўплаб учрашувлар, тематик суҳбат ва семинарлар олиб борилди. Меҳнаткашлар маънавий дунёсини бойитишда илм-фан ўчоқлари ҳисобланган кутубхоналарнинг роли ортди. Ҳозир кўпгина кутубхоналар намунали хизмат кўрсатиш марказига айланиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз кутубхонаси доим кишилар билан гавжум бўлади. Кутубхона ходимлари китобхонлар билан яқиндан иш олиб бормоқдалар. Бу маданият ўчоғи Бутуниттифоқ кўригида муносиб тақдирланди. Бу хўжаликдаги барча колхозчи шу маърифат ўчоғининг аъзосидир.

Тошкент районида ҳам бундай кутубхоналар анчагина. Ильич номли колхоз кутубхонасининг мудири Э. Эшимов, Келес посёлкасидаги қишлоқ кутубхонасининг мудири М. Буланова ва бошқа ўртоқларнинг жонбозлиги ва тадбиркорлигидан ҳамма мамнун. Бу кутубхоналарда 150 дан ортиқ тематик суҳбатлар, 30 мартадан ортиқ овозли ўқишлар ташқил этилди. Вақти-вақти билан адабий кечалар ва учрашувлар ўтказиб турилибди.

Шу билан бирга, ҳали ҳамма кутубхоналар ҳам шу куннинг талаблари даражасида ишлаётир деб бўлмайди. Ўрта Чирчиқ, Бўка ва бошқа районлардаги айрим маърифат ўчоқларида китобхонлар билан яқиндан алоқа ўрнатилмаган. Қироатхоналар дид билан безатилмаган. Китоб кўргазмалари ўз вақтида ташкил этилмайди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ ҳаваскорлик коллективларининг республика фестивалини ўтказиш тўғрисида яқинда қарор қабул қилди. Шу йилнинг 1 мартидан бошланадиган бу фестиваль ўзига ҳос муҳим маданий тадбирга айланади. Бу ижодий имтиҳонга жойларда қизғин тайёргарлик бошланиб кетди. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ансамбли, Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхози маданият уйи ҳаваскорлари ва бошқа коллективлар фестивалга бағишлаб янги концерт программаларини тайёрлашди. Кўрик шу кунларда давом этаётган халқ талантларининг Бутуниттифоқ фестивали тантаналарига қўшилиб кетади.

Янги анъаналар турмушимизга чуқур кириб бормоқда. Жойларда замонавий тўйлар ўтказиш кенг тус олди. Турли саналарни нишонлашда ҳам турли усул ва формалардан фойдаланилмоқда. Бу ўринда Янгийўл шаҳри маданият уйи томонидан белгиланган тадбирлар эътиборни ўзига тортади. Шунингдек, авлодлар учрашувларини ўтказиш ҳам намунали йўлга қўйилди.

Область маданий-оқартув муассасалари ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини катта тараддуд билан кутиб оладилар. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш янада яхшиланади.

Йиғилишда Бекобод район партия комитетининг секретари **Т. Ширинов**, Янгийўл шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари **А. В. Абрукина**, Чирчиқ шаҳар маданият уйининг директори **А. Г. Трубин** ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар ўз нутқларида турмуш маданиятини янада яхшилаш, замонавий қишлоқ қурилишини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият бердилар.

Актив йиғилишида область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Г. Б. Йўлдошева** нутқ сўзлади.

Йиғилишда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги муносабати билан маданий-оқартув муассасалари ходимларининг янги социалистик мажбурияти қабул қилинди.

А. АЛИЕВ.

НАЗОРАТЧИЛАР ЁРДАМИДА

«Узбекшахтострой» тресті бинокорлари ўтган йили планга қўшимча равишда 4 миллион 678 минг сўмлик иш бажариб, ҳамшаҳарларга кўзда тутилганидан 4,2 минг квадрат метр кўп турар-жойни совға қилдилар. Қурувчилар иш суръатини ошириш билан бирга сифатга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Объектларнинг 96 процента яхши ва аъло баҳолар билан фойдаланишга топширилмоқда.

Қурилиш сифатини оширишда назоратчилар алоҳида роль ўйнамоқдалар. Барча қурилиш бошқармаларида халқ контроли группалари ва постлари ташкил қилинган. 250 дан ортиқ назоратчи бинокор бор.

— Биз фақатгина иш сифатини эмас, шу билан бирга бинокорлик материалларни сифатини ҳам текшириб борамиз,— дейди 3-қурилиш бошқармаси халқ контроли группасининг раиси Отажон Аннамуродов.— Керамика комбинатининг ғишт ишлаб чиқарувчи цехидан келтирилган маҳсулотлар сифатини текшираётганимизда яна бир нуқсон маълум бўлиб қолди. Бизга юборилиши лозим бўлган ғиштнинг бир қисми корхонанинг ўзида уриб қолинган эди. Назоратчилар сезгирлиги билан 26 минг ғишт кам берилганлиги аниқланди.

Бу воқеа катта муҳокамага сабаб бўлди. Ишга бефарқ қараган мастер А. Бекмирзаев вазифасидан пасайтирилди. Қурилиш материалларини қабул қилиш ва сарфлаш ҳисоб-китоби таъмиллаштирилди.

Бу йил трест бинокорлари юксак марраларни кўзлашган. Кўпгина бригада аъзолари йиллик планни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача бажаришга аҳд қилишган. Назоратчилар мажбуриятларнинг бажарилиши ва иш сифати устидан алоҳида кўз-қулоқ бўлиб турибдилар.

А. РАЗЗОҚОВ,
Ангрен шаҳри.

Тошкентдаги канап заводида мураббийлик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Бу ерда кўпчилик мураббийлар «Шоғирд устозга тенглашсин» шиори остида меҳнат қилиб келмоқдалар. Мария Глебова ва Мария Авраменко синтари тажрибали ишчилар бугунги кунгача кўплаб шоғирдлар тайёрладилар. Айни пайтда ёш ишчилар смена топшириқларини 130—140 процент адо этиб келмоқдалар. Суратларда: (юқорида) Ф. Хабибрахмонова устози М. Глебова билан; (пастда) ёш ишчи Валентина Эльмедеева тажрибали ишчи Мария Авраменко билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Э. Миргиёсов фотоси.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Совет халқи Ленин партияси атрофига маҳкам жипслашган, ўз ижодий куч-ғайратлари гуллаб-яшнаган ҳолда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ курашини бошлаб юборди.

Мамлакатимизда бўлгани каби, областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Бу қарор ҳар бир меҳнат коллективида зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини ошириб юборди. Совет халқи ана шундай кўтаринкилик билан КПСС XXV съезди белгилаган режаларни амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Шонли сана шарафига тобора авж олдирилаётган социалистик мусобақада совет кишиларининг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги ошиб бораётганлигини ёрқин кўриш мумкин.

Ана шу кунларда бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар халқ ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқариш илғорлари, энг яхши коллективларнинг тажрибасини кенг ёйишга қаратилиши керак. Социалистик мусобақа чинакамига оммавий, таъсирчан бўлишига, у янги-янги ватанпарварлик ташаббусларни келтириб чиқишига эришиш лозим.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз-ваген ремонти заводининг республикамиздаги ҳамма агитация ходимларига «Катта юбилейга — зарбдор меҳнат» шиори остида қабул қилган мурожаати («Узбекистон агитатори», 1-сон, 12-17 бетлар) кенг ёйилиши даркор.

Идеология ишини шундай ташкил қилиш керакки, у омманинг куч-ғайратини янада ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда бошқариш системасини такомиллаштириш мақсадларига хизмат қилсин.

Агитация кадрлари билан семинарлар ўтказишда қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» 1977 йил 31 январь қарори (Марказий, республика ва область газеталарининг 1 февраль сони).

КПСС XXV съезди йўлидан. («Узбекистон агитатори», 1-сон, 3-7 бетлар, 2-сон, 2-5 бетлар).

Суҳбат мавзуини қандай танлаш керак! («Агитатор», 2-сон, 52-54 бетлар).

Сиёсий ахборотчилар группалари, агитколлективлар, сиёсий ташкилотчилар группалари раҳбарларининг, доимий ишловчи агитпунктлар ва сайловчилар клубларни мудирларининг шаҳар ва район семинарларини ташкил қилиш ва иш мундарижаси бўйича тавсиялар («Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг 22 январь сони).

Февраль ойида суҳбатлар ўтказишда сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар қуйидаги материаллардан фойдаланишлари мумкин:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Қувончли якунлар, илҳомбахш истиқболлар («Узбекистон коммунисти», 1-сон, 20-33 бетлар).

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг У пленуми (республика ва область газеталарининг 29, 30 январь, 1 февраль сонлари).

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида (республика газеталарининг 30 январь, область газеталарининг 1 февраль сони).

Узбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари қурултойи (республика, область газеталарининг 12 февраль сони).

Совет халқининг фаровонлиги учун («Агитатор», 2-сон, 9-11 бетлар, «Узбекистон агитатори», 2-сон, 6-8 бетлар).

Улуғ Октябрь ғалабалари мудофаасида—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни («Агитатор», 2-сон, 34-37 бетлар).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ:

Илҳомбахш меҳнатимиз — Ватанга, беш йилликкга («Агитатор», 1-сон, 12-13 бетлар, «Узбекистон агитатори», 1-сон, 8-11 бетлар).

СССР ва Узбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1976 йил Давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида (марказий, республика газеталарининг 23 январь, область газеталарининг 25 январь, республика, область газеталарининг 29 январь сонлари).

КПСС иқтисодий стратегиясининг амалга оширилиши («Международная жизнь», 1-сон, 11-20 бетлар, «Узбекистон агитатори», 2-сон, 15-19 бетлар).

Тошкент область ва Тошкент шаҳри корхона коллективлари ва саноат, қурилиш, транспорт ҳамда алоқа ташкилотларининг 1977 йилги социалистик мажбуриятлари (область газеталарининг 3 февраль сони).

Иқтисод режими — самарадорлик омили («Политическое самообразование», 1-сон, 43-51 бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ:

КПСС янги кишини шакллантириш тўғрисида («Агитатор», 2-сон, 34-37 бетлар).

Социалистик турмуш тарзи ва анъаналар («Узбекистон агитатори», 1-сон, 23-26 бетлар).

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг айрим масалалари («Узбекистон коммунисти», 1-сон, 62-67 бетлар).

Партия ва бадиий ижод («Агитатор», 1-сон, 34-36 бетлар).

Халқ ҳаётига яқинлик («Политическое самообразование», 1-сон, 52-58 бетлар).

Интернационализмни тарбиялаш («Агитатор», 1-сон, 45-48 бетлар).

Ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад «Агитатор», 2-сон, 38-41 бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ МАСАЛАЛАРИ:

КПССнинг ленинча ташқи сиёсат программаси амалда («Политическое самообразование», 1-сон, 26-33 бетлар, «Агитатор», 1-сон, 24-28 бетлар, «Международная жизнь», 1-сон, 87-96 бетлар).

Коммунистлар ҳозирги дунёда («Агитатор», 2-сон, 38-41 бетлар).

КПСС ва жаҳон революцион жараёни («Узбекистон агитатори», 1-сон, 18-22 бетлар).

Социалистик давлатлар ҳаракатларининг программаси («Международная жизнь», 1-сон, 3-10 бетлар ва 72-86 бетлар).

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун («Международная жизнь», 1-сон, 21-30 бетлар).

Куч ишлатишдан воз кечиш ва халқаро хавфсизлик («Международная жизнь», 1-сон, 31-39 бетлар).

Лаос тарихида янги саҳифа («Агитатор», 1-сон, 59-61 бетлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатга тайёрланишда вақтли матбуот материалларидан, маҳаллий факт, мисол ва рақамлардан фойдаланиш лозим.

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИЛАР, АГИТАТОРЛАР ВА СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

Узбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1977 йилги социалистик мажбуриятлари (республика газеталарининг 13 февраль, область газеталарининг 15 февраль сони).

Меҳнат қаҳрамонлари намунаси («Агитатор», 1-сон, 6-7 бетлар).

Октябрь йиллигига — меҳнат рекордлари — республика ишчиларининг янги ватанпарварлик ташаббуси (республика, область газеталарининг 27 январь сони).

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида «Республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари илғорларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан ташаббуси тўғрисида» (республика, область газеталарининг 4 февраль сони).

Илғор ташаббуслар — бизнинг бойлигимиз («Агитатор», 2-сон, 2-3 бетлар).

Аттестация— сифат кафолати

Узбекистон ССР Автомобиль йўллари министрлигининг 1976 йилги илмий тадқиқот ишлари планида «Асфальтобетон» бирлашмасига қарашли йўл-қурилиш материаллари комбинати ва асфальтобетон заводлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни давлат аттестациясидан ўтказиш таъкидланган эди. Бу тадбирни амалга ошириш учун жойларда катта тайёргарлик кўрилди. Барча заводларда аттестацияни ўтказиш бўйича постлар ва комиссиялар тузилди, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг давлат стандартларига тўғри келиши ва ҳозирги даврнинг юксак талабларига жавоб бериши кабиларни мунтазам назоратдан ўтказиб бордилар.

«Узоргтехдорстрой» тресті бутун йил давомида Қўйлиқ кўприк темир-бетон конструкциялари заводига, 7-ремонт-механика заводига ва барча асфальтобетон заводларига техникавий, методик ва амалий ёрдам кўрсатди. Стандартизация лабораторияси, трестнинг сифатни назорат қилиш бўлими ва заводларнинг коллективлари ҳамкорликда олиб борган ишлар яхши самара берди.

Яқинда ана шу коллективларда тайёрланаётган маҳсулотлар давлат аттестациясидан ўтди. Плиталар, темирбетон тўсинлар, тўсиқлар, йўл белгиларининг асослари, думалоқ трубаларга икки-уч йил учун биринчи сифат категорияси берилди. Шунингдек, йўл белгилари ҳам биринчи сифат категорияси билан тақдирланди.

М. ФЕЛЬДМАН.

Екатерина Водолазова тажрибали чорвадорлардан. У кўп йиллардан бери «Оқ қўрғон» совхози фермасида меҳнат қилиб келаётир. Айни кунларда қарамоғидаги 25 бош сигирнинг ҳар биридан 8—9 килограммдан сут соғиб олаётир.

Х. Аввалов фотоси.

МОҲИР ЭКСКОВАТОРЧИ

Улуғ Ватан уруши жангоҳларидан омон-эсон қайтган Равил Бекматов тўғри Ангренга келди. Уша вақтда шаҳар энди қад кўтараётган бўлиб, ишчи кучи етишмасди. Улуғ Ватан урушигача Каттақўрғон сув омбори қурилишида экскаватор машинисти бўлиб ишлаган, жанг майдонларида танкни бошқарган Равил ўз касби бу ерда жуда асқотишини яхши биларди. Шундан бери коммунист Р. Бекматов Ангрен кўмир разрезида экскаватор машинисти бўлиб ишлаяпти.

— Равил Бекматов ажойиб механизатор,— дейди корхона директори Ян Ильич Гринблат.— Техникани жуда яхши билади ва жондилидан севади. Уттиз йилдан ошиқроқ давр мобайнида ишлаб, тўпланган тажрибаси ва билимини ёшларга қунт билан ўргатади. Уларнинг юксак маҳорат эгаси бўлишларига кўмаклашади. Йигирмадан ортиқ механизатор унинг тажриба мактабида таълим олди, касб ўрганишди ва унга меҳр қўйишди. Ҳозир разрезда унинг кўпгина шогирдлари ўзи билан ёнма-ён туриб ишламоқда.

«Шавкатли меҳнати учун» медали ва «Шахтер шуҳрати» нишони кўкрагини безаб турган бу ажойиб мутахассис ҳамон социалистик мусобақа пешқадамларидан. У раҳбарлик қилаётган экипаж кон устини очиш ишларини олиб боряпти. Бу билан кўмир қазиб олиш учун янги участкалар тайёрланмоқда. Нормага мувофиқ ҳар сменада бир ярим минг кубометр тупроқ-шағал вагонларга ортиб жўнатилиши керак. Донгдор экскаваторчи эса ҳар сменада бунга қўшимча 200—300 кубметр кон устини очиш ишларини бажармоқда. У бундай муваффақиятга машинадан ишни кўзини билиб фойдаланиш туфайли эришяпти. Ҳар бир экскавация циклида секундларни тежайди, бу дақиқалардан эса смена давомида соатлар ҳосил бўляпти. Айни вақтда у машинани доим яхши ҳолатда бўлишига эришмоқда. Равил Бекматов ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан олти ой илгари бажариш ҳақидаги шахсий мажбуриятини тўла-тўкис адо этмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

СУТ СОҒУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги Калинин номли колхоз чорвадорлари ўнинчи беш йиллликнинг биринчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммаларига олган йиллик план ва топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан адо этдилар. Бундай ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Озуқа базаси мустаҳкамланди. Сут соғувчилар, молбоқарлар ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаландилар. Натижада мавжуд 135 бош соғин сигирнинг ҳар биридан пландаги 2800 литр ўрнига 3200 литрдан сут соғиб олинди.

Айниқса, Оққиз Бўрибоева, Мастон Мирзаева, Жаннат Аҳмедова, Мамлакат Йўлдошева, Саломат Мирзаева, Замира Қурбалова, Оқилой Тошқулова сингари сут соғувчилар яхши натижаларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан руҳланган ферма ходимлари шу кунларда янада ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар сигирлардан соғиб олинадиган сутни ўтган йилдагига қараганда 1,5-2 баравар кўпайтириш, гўштга топшириладиган молларни семиртириб боқиш учун курашмоқдалар.

А. АБДУСАМАТОВ.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Кўкламги экиш мавсумига саноқли кунлар қолаётир. Шунинг учун айни кунларда областдаги барча хўжаликларда бу муҳим кампанияга тайёргарлик кўриш ишлари янада қизғин тус олмоқда.

Маълумки, кўкламги экиш ишларининг қулай фурсатларда тез ва сифатли ўтиши асосан техниканинг қай даражада шай эканлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам техниканинг қадрига етган деҳқон уни мавсумга бекаму-кўст ҳозирлаб қўймоқда ва тайёр техникани қайта-қайта синчиклаб кўздан кечирмоқда.

Бу йил Чиноз райони хўжаликларида ҳам қишлоқ хўжалик техникаси ремонтига алоҳида эътибор берилди. Барча турдаги техника воситаларини кўкламги экиш кампаниясига бенуқсон созлаш мақсадида барча механизаторлар ва мутахассислар ўртасида социалистик мусобақа намунали уюштирилди.

Техника ремонтини уюшқоқлик билан ўтказган «Қизил октябрь» колхози механизаторлари бу муҳим ишни муддатидан илгари тугаллаганликлари ҳақида районда биринчилар қатори рапорт бердилар. Яқинда район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери Ж. Араббоев, бош агроном Л. Лигай, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бош инженери Ю. Захаров, қишлоқ хўжалик бошқармаси техника назоратчиси Х. Исмоиловлардан иборат махсус текшириш комиссияси шу колхозда бўлиб, ремонтдан чиқарилган техника воситаларини кўздан кечирдилар. Мутахассислар биринчи навбатда кўкламги экиш кампаниясида ишлатиладиган техникаларни текширувдан ўтказдилар. Мавжуд 13 та сеялка, гербицид сепадиган махсус «ПГС-2,4» маркали мосламалар, 16 та культиватор бенуқсон созланган.

Колхоз механизаторлари кузги шудгорлаш ниҳоясига етгандан сўнг барча ҳайдов тракторларини ремонт қилишга киришган эдилар. Ҳозир 12 та ҳайдов трактори ва 14 та осма плугнинг ҳаммаси тўла созланган ҳолда трактор паркида саф тортиб турипти. Шунингдек, борона, чизелларнинг ҳам сифатли ремонт қилинганлиги комиссия аъзолари томонидан таъкидланди.

Қишлоқ хўжалик техникасининг муддатидан илгари сифатли ремонт қилинишида колхоз механикларининг ҳиссалари катта бўлди. Улар ремонтчилар ишига оқилона раҳбарлик қилиб, ишнинг аниқ белгиланган график асосида боришини таъминладилар.

Ремонтчилар ўртасида социалистик мусобақанинг қизғин авж олдирилганлиги, унинг ошоралиги ва таъсирчанлигига эришилганлиги ҳам яхши самара берди. Таъсис этилган кўчма вимпел ва пул мукофотлари ўз муддатида ғолибларга тақдим этиб турилди. Тажрибали механизаторлардан Сулаймон Жўраев, Бобоқул Эшонқулов ва Абдулла Каримқуловлар ўзаро меҳнат беллашувида бир неча бор ғолиблик қилдилар.

Шуниси қувончлики, хўжаликда экиш агрегатлари ва терим агрегатларининг экипаж аъзолари ҳозирданоқ конкрет белгилаб қўйилган.

О. МАЪМУРОВ.



Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози механизаторлари барча қишлоқ хўжалик техникасини муддатидан илгари сифатли ремонт қилиб қўйдилар. Суратда: «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи Абдумалик Умаров (чапдан иккинчи) кўкламги экиш кампаниясига шай қилиб қўйилган сеялкаларни кўздан кечирмоқда.

Т. Маҳкамов фотоси.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ТОБОРА ЯХШИЛАНМОҚДА

Шаҳар билан қишлоқ орасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш социализм ҳамда коммунизм қурилишининг асосий қонуниятларидан биридир. В. И. Ленин 1922 йилдаёқ қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш масаласи туб масала эканлигини таъкидлаган эди. У пайтда янги қишлоқни қуриш йўлида катта қийинчиликлар мавжуд эди. Чунки ўтмиш сарқитларидан халос бўлиш учун кўп вақт ва меҳнат талаб қилинарди.

Қишлоқни социалистик негизларда қайта қуришнинг асосланган ва энг тўғри йўллари Владимир Ильич Ленининг қишлоқ хўжалигини кооперациялаш планида ўз ифодасини топди. Бу режаларга кўра коммунистик партия миллион-миллион деҳқонларни ишчилар синфи раҳбарлигида қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш ишларига жалб этди. Йиллар ўтиши билан қишлоқ социал иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлидан шаҳдам одим ташлади. Колхозлардаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг кўпайганлиги, унинг формалари ўзгарганлиги, ижтимоий фондлардан фойдаланиш тобора кенгайиб бораётганлиги туфайли деҳқонлар ижтимоий бойлик улуши жиҳатидан ҳам, уни олиш усуллари жиҳатидан ҳам ишчилар синфига яқинлашиб бормоқдалар.

Фан-техника тараққиёти, қишлоқ хўжалик меҳнатининг индустриал меҳнатнинг бир турига айланаётганлиги натижасида қишлоқнинг социал структурасида ишчилар тобора каттароқ салмоққа эга бўлаётирлар. Хусусан республикамизда 1959 йилда ишлаб турган жамики қишлоқ аҳолисининг 30 процентга яқини ишчилар бўлса ҳозир бу кўрсаткич 46 процентдан ошди. Ўзлаштирилаётган ерларда ва умуман қишлоқларда янги совхозларнинг тузилиши, аграр саноат комплексларининг ривожланиши ва қишлоқдаги саноат корхоналарининг ортиши ҳам ишчилар сонининг янада кўпайишига олиб келди.

Кўп миллионли қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг турмуш маданиятини яхшилаш масалалари доимо партия диққат марказида турибди. Хусусан бу проблемалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қатор пленумларида, шу жумладан 1966 йилги IV Пленумида атрофлича муҳокама қилинди. Ана шундан сўнг республикада катта маданий юриш бошланди. Уй-жой бинолари мактаблар, болалар боғча ва ясилари, поликлиникалар, клуб ва маданият уйлари, магазин ва маиший комбинатлар қурилиши кенг қулоч ёзди.

Хутор системасини бартараф этишда пойтахт область партия ва совет ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳам диққатга лойиқдир. Областда биргина ўтган йилнинг ўзида 251 колхоз ва совхоз комплекс қурилиш бўйича бош планларга эга бўлди. Бу областдаги колхозларнинг 73 процентини ташкил этади. Юзлаб оилалар истиқболли посёлкаларга кўчиб ўтдилар.

Областда қишлоқ маданиятини юксалтиришда 1975 йил 28 майда бўлиб ўтган «Меҳнаткашларни коммунистик тарбиялаш ва қишлоқ турмуш маданиятини ошириш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ амалий конференцияси муҳим роль ўйнади. Бу конференцияда Ўрта Осиё ва бошқа иттифоқдош республикалар вакиллари қишлоқ меҳнаткашлари турмушини янада яхшилаш юзасидан тажриба алмашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидович Рашидов шу конференцияда нутқ сўзлаб, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришда знёлилар муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаган эди. Сўнгги йиллар ичида қишлоқ клублари, колхозлар шон-шуҳрат музейлари ва бошқа маданий масканларда олиб борилаётган катта ишлар бу сўзларнинг чинакам ҳаётийлигини кўрсатмоқда. Оққўрғон районидаги шон-шуҳрат музейининг таърифи ҳозир областимиздан ташқарида ҳам маълум. Бу ерда район ташкил топган дастлабки босқичлардан токи шу кунгача бўлган ҳаётий йўл ранг-баранг экспозицияларда жонли акс эттирилган. Музейни ташкил этишда районнинг деярли барча знёлилари актив иштирок этишди. Эндиликда музей Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветеранлари билан ёш авлод учрашувларини ўтказиб туради. Мактаб ўқувчиларини пионерликка қабул қилиш, комсомол билетлари, паспорт топшириш каби тантанали тадбирлар шу ерда ўтади. Ана шу ишларнинг ҳаммасида знёлилар активлик кўрсатишмоқда.

Калинин районидаги знёлилар олиб бораётган ишлар янада яққол кўзга ташланади. Бу ерда ота-оналар университети ташкил этилган бўлиб, унда бола тарбияси, рўзғор юритиш маданияти, оилавий муносабатлар, жамоатчилик орасида ўзни тута билиш сингари ҳаётий мавзуларга бағишланган суҳбатлар мунтазам ўтказилмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада кўтаришда, унинг турмуш маданиятини оширишда савдо ва умумий овқатланиш, тармоқларининг иши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оржоникидзе районидаги умумий овқатланиш комбинати, бир ресторан, 68 ошхона, ва кафени бирлаштирган. Бу ерда қишлоқ ошхоналари учун масаллиқларни марказлаштирган тартибда ишлаб чиқариш, шунингдек тушлик овқатларни тайёрлаб мактабларга етказиб бериш йўлга қўйилган. Бундай иш усули бошқа районларда ҳам кенг ўрин олганда мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугунги қишлоқ қонадонини водопровод, газ билан тўла таъминлаш проблемалари ҳам ҳал этилмоқда. Ана шу ишларнинг ҳаммаси келажакни ҳисобга олиб, гўзал замонавий архитектура ансамбли асосида комплекс олиб борилаётир. Ҳозир ўз кўрки жиҳатидан шаҳардан фарқ қилмайдиган қишлоқлар пайдо бўлди. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида бунёд этилган турар-жойлар, маданий-маиший хизмат объектлари шаҳар типидаги посёлка барпо этишнинг юксак намунасидир.

Қишлоқда турмуш маданиятининг тобора юксалиб бораётганлигини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин ютуқлар қанча кўп бўлмасин, ҳали ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳам анчагина. Хусусан, колхозлар, совхозлар, экономикаси мустаҳкамланиб, деҳқонлар даромади ортиб бораётганлигига қарамай, ҳали баъзи қишлоқ кишиларининг дид билан кийинишлари, уй-рўзғор ишларини енгиллатиш учун ишлаб чиқарилаётган товарлардан фойдаланишлари талабга жавоб бермайди. Баъзан жимжимадор дарвоза ортида енгил машина «савлат» тўкиб турғани ҳолда шу оилада болаларнинг кийинишлари, дарс тайёрлашлари учун тузукроқ шароит яратилмайди. Шундай оилалар борки, улар дабдабали тўйлар қиладилар-ку, лекин кино ёки театр томоша қилиш, дам олиш, саёҳат қилиб саломатликни мустаҳкамлаш учун маблағ сарфлашни истамайдилар.

Жойлардаги партия, совет ташкилотлари ана шу масалалар билан жиддийроқ шуғулланишлари, жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини актив олиб боришлари зарур, зероки қишлоқда турмуш маданиятини ошириш масаласи партия ва ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ва кўрсатмаларида, хусусан КПСС XXV съезди ҳамда Узбекистон Компартиясининг XIX съездида алоҳида олға сурилган проблемалардан биридир.

Қ. ОРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти философия ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ҚИШЛОҚЛАРГА ШАҲАР ЧИРОЙИ

Утган 10 йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқларида 29 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой, 1 миллион 245 минг ўринли мактаблар қурилди, шундан 634 минг ўринли мактаблар эса колхозлар маблағи ҳисобига қад кўтарди. Кўплаб касалхоналар, коммунал корхоналар, спорт иншоотлари барпо этилди.

Лекин, ҳали кўпгина қишлоқларда мавжуд бўлган хутор системаси қишлоқ меҳнаткашларига маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни ҳамма жойда яхшилашга ҳалақит бермоқда. 1972 йилда шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг «Республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Жойлардаги партия, совет, хўжалик ташкилотлари шу қарорни амалга ошириш учун астойдил киришдилар. Бу яхши натижаларга олиб келди. Масалан, 1973—1974 йилларда колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг 12 минг хонадонларини янги обод посёлкаларга кўчириш белгиланган эди. Шу вақт ичида 13 мингдан ортиқ хонадон кўчирилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1976 йилнинг 1 январига белгиланган ҳисобга кўра 1 миллион 245 минг ўринли мактаблар, 634 минг ўринли мактаблар, 29 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой, 1 миллион 245 минг ўринли мактаблар қурилди, шундан 634 минг ўринли мактаблар эса колхозлар маблағи ҳисобига қад кўтарди. Кўплаб касалхоналар, коммунал корхоналар, спорт иншоотлари барпо этилди.

Лекин, ҳали кўпгина қишлоқларда мавжуд бўлган хутор системаси қишлоқ меҳнаткашларига маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни ҳамма жойда яхшилашга ҳалақит бермоқда. 1972 йилда шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг «Республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Жойлардаги партия, совет, хўжалик ташкилотлари шу қарорни амалга ошириш учун астойдил киришдилар. Бу яхши натижаларга олиб келди. Масалан, 1973—1974 йилларда колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг 12 минг хонадонларини янги обод посёлкаларга кўчириш белгиланган

Дунё овози
Чет эл хабарлари

КОСМОС ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ЖЕНЕВА, 14 февраль. (ТАСС). Ер сунъий йўлдошлари орқали телевизион программа кўрсатишга бағишлаб бу ерда ўтказилган ва беш ҳафта давом қилган жаҳон маъмурий конференцияси ўз ишини тугатди. Ер сунъий йўлдошлари ёрдами билан бевосита телевизион программа кўрсатиш техникавий асосларини биринчи бор ишлаб чиққан 111 мамлакат делегацияси, шу жумладан СССР, Украина ССР ва Белоруссия ССР делегациялари, шунингдек 12 халқаро ташкилот вакиллари конференцияда қатнашдилар.

Конференция Европа, Осиё ва Африка мамлакатлари учун геостационар орбитада йўлдошлар позицияларининг жойлаштирилишини ҳамда шу йўлдошлардан ҳар бири учун маълум частота полосаси ажратилишини кўзда тутувчи планларни ишлаб чиқди. Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланиб, телевизион программа кўрсатиш планларини ишлаб чиқиш дунёнинг турли мамлакатларида телевиденией бундан буён ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Йўлдошлар орқали телевизион программа кўрсатиш системалари катта-катта территорияларга бир пайтда бир неча рангли программа кўрсатишга имкон беради.

Охирги мажлисда келишилган битим тўғрисидаги якунловчи ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Бу битим 1979 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради.

ИШЧИЛАР СИНФИ— МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ АВАНГАРДИ

МОГАДИШО, 14 февраль. (ТАСС). Сомали Демократик Республикаси президенти Муҳаммад Сиад Барре бундай деди: Сомали халқининг социал адолатли жамият қуриш, тенглик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашида ишчилар синфи алоҳида ўрин эгаллайди. Ишчилар синфи меҳнаткашларнинг авангарди бўлиб, социалистик жамиятнинг мустаҳкам негизини ташкил этади.

У «Ал Жалле» ўқув марказида мамлакатнинг ҳамма районларидан келган ишлоқ хўжалик кооперативлари аъзолари ва деҳқонлари учун ўтказилган семинарни ёпиш маросимида нутқ сўзлаб, илмий социализм назарияси барча меҳнаткашларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини таъкидлади.

Муҳаммад Сиад Барре ташқи сиёсат устида тўхталиб, Сомали озодлик ва мустақиллик учун, ирқчиликка ва мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларга бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беради, жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар билан алоқасини мустаҳкамлайди, деди.

БИРЛИККА ДАЪВАТ

БУЭНОС-АЙРЕС, 14 февраль. (ТАСС). Бу ерда олинган хабарларга қараганда, ғоят яширин шароитда иш кўраётган Парагвай Коммунистик партияси мамлакатнинг демократик ва ватанпарвар кучларига мурожаат қилиб, генерал Стресснернинг диктаторлик режимига қарши курашиш учун бирлашишга даъват қилган.

Парагвай Компартиясининг босма органи — «Аделанте» газетаси Парагвай таъсис мажлисига «сайлов» ўтказиш йўли билан яқинда ишлатилган найрангни газаб билан қоралади. Бу «сайлов»да ҳукмрон «колорадо» партияси турли-туман ҳийла ишлатиш йўли билан «галаба» қозонди. Маълумки, таъсис мажлиси мамлакат конституциясига ўзгартиш киритиш учун чақирилади, бу ўзгартишлар диктаторга келгуси йилда ўтказиладиган сайловда президентлик лавозимига яна ўз номзодини кўрсатиш учун «қонуний ҳуқуқ» беради. Кейинги 23 йилдан бери у сурункасига президентлик лавозимини эгаллаб келмоқда.

Парагвай Компартияси кенг халқ оммасининг демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш учун реакцион режимга қарши кенг миқёсдаги ҳаракатларни ташкил этиш зарурлигини таъкидлайди.

М. ДОВУД—АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

ҚОБУЛ, 14 февраль. (ТАСС). Афғонистон республикасининг буюк мажлиси ўз ишини тамомлади. Депутатлар бир овоздан республиканинг янги конституциясини тасдиқладилар. Халқ ва давлатнинг асосий мақсадлари, дейилади конституцияда мустақилликни, миллий суверенитетни ва территориал бутунликни ҳимоя қилишдан, халқ ҳокимиятини амалга оширишдан иборат. Янги конституция меҳнат қилиш, бепул билим олиш ҳуқуқини гарантиялайди.

Янги конституцияга мувофиқ Муҳаммад Довуд олти йил муддатга якдиллик билан Афғонистон республикасининг биринчи президенти қилиб сайланди.

Президент давлат бошлиғи бўлиб, конституция ва миллий революция партияси уставининг қоидаларига мувофиқ бутун ижроия ҳокимият ва партияга раҳбарлик қилиш унинг зиммасига юклатилган. Президент ана шу вазифаларни тегишли органлар орқали амалга оширади.

Афғонистон республикасининг президенти М. Довуд шу лавозимга сайланганидан кейин ўзининг бутун куч ва ғайратини республика тараққиётини мустаҳкамлаш, афғон халқининг манфаатларини кўзлаб, чуқур иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш учун сарфлаяжагини айтди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПРАГА. Чехословакиянинг «Центротекс» ташқи савдо бирлашмаси бу йил Совет Иттифоқига ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга тўқимачилик буюмлари етказиб беришни анча кенгайтиради. Бу бирлашманинг социалистик давлатлардаги турдош бирлашмалар билан савдо-сотиқдаги товар оборот қариб 7,5 миллиард кронга етади.

● ВЕНА. Австрия коммунистларининг «Фольксштиме» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: Австриянинг социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиғи ҳамиша мамлакатда кишиларни иш билан кўпроқ таъминлашга ёрдам бериб келди.

Газета таъкидлаб ўтганидек, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар капитализм дунёсидаги танглик вужудга келтирган иқтисодий қийинчиликлар даврида Австрия учун жуда фойдали бўлди.

● ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар чет элларга қуролярогларни тобора кўп экспорт қилмоқда. Вакиллар палатасининг аъзоси Л. Эспин Қўшма Штатлар ўтган йилнинг 30 июнига қадар 60 мамлакатга ўқ-дори етказиб бериш ҳақида битим тузганлигини айтди.

Экспорт қилиш учун мўлжалланган ўқ-дориларнинг катта қисми—40 проценти Эрон ҳиссасига тўғри келади, 16 проценти Исроилга, 8 проценти Саудия Арабистонига, 5 проценти Грециядга юбориш учун мўлжалланган.

● ТОКИО. Бугун Токиода Япония касаба союзлари марказий кенгашининг навбатдан ташқари 54-съезди очилди. Бу съезд Япония меҳнаткашларининг меҳнат аҳли ҳуқуқларини ва демократияни ҳимоя қилиш учун кўклам фаслида олиб борадиган кураши стратегияси ва тактикасини, шунингдек шу йил ёзида парламентнинг юқори палатасига сайлов вақтида оппозициячи партияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракат йўлини муҳокама қилади. Японияда 4,5 миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчини ўз сафларида бирлаштирган ана шу энг йирик касаба союз маркази анжуманининг иши икки кун давом этади.

(ТАСС, 14 февраль).

МИСРДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ҚОҲИРА, 14 февраль. (ТАСС). «Ал Аҳром» газетасининг хабар беради: ўтган ҳафтанинг охирларида январь воқеаларидан кейин тўхтатиб қўйилган машғулотлар қайтадан бошланган Қоҳира университетида яна студентлар галаёни бўлиб ўтди. Университетда «галаёнга чақирувчи варақалар ва деворий газеталар» пайдо бўлди, студентларнинг айрим группалари билан университет маъмурияти вакиллари ўртасида тўқнашувлар юз берди, деб ёзади газета. 8 студент қамоққа олинган. «Ал Аҳром» газетасининг ёзишича, студентларнинг шундай галаёнлари Мисрдаги Искандарияда ҳам бўлиб ўтди.

Айни вақтда бу ерда Миср Араб Республикаси халқ мажлисининг қонун чиқарувчи комиссияси мамлакатнинг собиқ вице-президенти Камолиддин Ҳусайнни депутатлик ваколатидан маҳрум этиш тўғрисидаги таклифни маъқуллаганлиги эълон қилинди. Уни «мамлакат президенти шаънига душманлик ҳужумлари қилди», деб айбладилар.

Маълумки, Камолиддин Ҳусайн яқинда президент Садатга юборган телеграммасида ҳозирги Миср раҳбарларининг тутган йўлини кескин танқид қилган ва фавқулодда жазо чораларини маъқуллашга эришиш мақсадида «миллий бирликни ва гражданлар хавфсизлигини ҳимоя қилиш» деган қонуннинг овозга қўйилишига қарши чиққан эди.

Кубада шакарқамишнинг давом этмоқда. Ҳар ўриб-йиғиб олиш ҳамда қайта ишлаш мавсуми қизғинлигини ҳисобга олиб, ҳар куни хўжаликлардан янги рекордлар ўрнатилган ҳақида хабарлар келиб турибди. Матансас вилоятидаги 26 июль номли бригада илғорлар сафида бормоқда. Суратда: бригада коллективи янги рекорд ўрнатилганидан сўнг.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ ОЛДИДАН

ЭЛ РАҲМАТИ — ДИЛ ҲУРМАТИ

Унинг одати шунақа. Бўш туришни ёқтирмайди. Ҳар доим ўзига иш ахтаради. Кўпчиликни, элни ўйлайди. 1975 йилнинг кузида маҳаллага ремс бўлди-ю, кўпчилик ҳақида қайғурадиган, кексалар билан маслаҳатлашиб олгач, ишнинг кетидан қувадиган бўлди.

Мана бугун ҳам эрта билан нари-бери нонушта қилди-да, почтальон келтирган газеталарни кўздан кечиргач, кўчага отланди.

— Ҳа, йўл бўлсин, кечаги ваъдани унутдингиз шекилли,-эътироз билдиргандай бўлди турмуш ўртоғи, опамларникига меҳмонга бормоқчи эдик.

Мели ака зарур иш чиқиб қолганлигини айтиб, ташқарига чиқар экан, хотинини юпатган бўлди:

— Ҳафа бўлманг, кўп ўтмай қайтаман, сўнг меҳмонга боравермиз.

Свердлов номли ишлаб чиқариш комбинатининг директори Абдулла Тошпўлатов Мели Муҳамедовни саминий қарши олди. Салом-алиқдан сўнг Мели ака мақсадга кўчди.

— Абдулла ака, яна ёрдам сўраб келдим, қолган учта кўчамизни ҳам асфальт қилишга ёрдамлашсангиз. Комбинатда меҳнат қилаётган ишчиларингизга ҳам қулайлик яратилган бўларди. Ахир ўзингиз яхши биласиз, қишлоғимизнинг тизза бўйи лой бўлиб ётган ана шу кўчаларидан ҳам комбинатга қатнайдиганлар сероб-ку.

— Икки марта илтимосингизни ерда қолдирмадик, энди буёғига қўлимиз калталик қилади. Сизга маслаҳатим Қудрат Пирмқуловга учрашинг. Менимча у киши йўқ демасалар керак.

Мели Муҳамедов директор ҳузуридан чиқиб, тўғри Тошкентга Ўзбекистон кўрлар жамиятининг ремси ҳузурига йўл олди. Бу ердан ишини бажариб, уйига қайтганда қош қорайиб қолган эди. Меҳмондорчилик қолдирилди. Мели ака мактабга, шогирдлари ҳузурига йўл олди. Қишлоқ кўчалари бўйлаб борар экан, ўзида йўқ хурсанд эди. Негаки у яна ўнлаб хонадонларнинг раҳматини эшитадиган бўлди. Элни ўйлаётган инсон учун эса бундан кўра юксак мукофот бўлмаса керак.

... Синф сув қуйгандек жимжит. Ҳамманинг нигоҳи ўқитувчида. Мели ака Улуғ Ватан уруши йилларида совет жангчилари кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлар ҳақида гапирарди. Талабалардан кимдир сўз ташлаб қолди.

— Мели ака, ҳамқишлоқларимиз жасоратн ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

Устоз бироз сукутда қолди. Сўнг оҳиста сўз бошлади.

— Сиз билан биз яшаб турган мана шу қишлоқдан 37 ўғлон фронтга отланди. Булардан фақат уч киши қайтиб келди холос. Булар Свердлов номли совхоз бошқарувчиси Қовунбой Сандғозиев, шу совхоз кассири Бадир Зияев ва мен. Шофайзи Шомуродов, Тожибой Хошимов, Мирзакарим Мирзаахмедов, Бакир Солиев, Тожибой Жўраев... булар ҳам қишлоқларимиз бугунги бахтли кунимиз, нурафшон эртамиз учун жон фидо қилдилар.

Мели Муҳамедов жанг эпизодларидан бири ҳақида ҳам сўзлаб берди. Курск область Шибекинский районидаги Луговая қишлоғи яқинидаги Волуйко станциясида ярадор жангчиларни эвакуация қилишга тараддуд кўрилади. Шу пайтда тўртта душман самолёти пайдо бўлиб, станцияни бомбардимон қила бошлади. Тенгсиз жанг бошланди. Бўлинма командири В. Трохин ва М. Муҳамедовлар биринкетин душманнинг иккита самолётини уриб туширишди. Қолган икки самолёт учувчиси эса саросимага тушиб, орқасига чекинди. 1800 га яқин ярадор жангчи ва офицерларнинг ҳаётн сақлаб қолинди. Бу жангдаги жасоратн учун В. Трохин вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муяссар бўлди. Мелибой Муҳамедов эса учинчи даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди. Оддий солдат бўлиб жангга кирган Мелибой Муҳамедов кўп ўтмай взводга командирлик қила бошлади. У жанглар суронида тобланди. Сталинград, Брянск, Курск шаҳарларини озод қилишда қатнашди. У жангда кўрсатган қаҳрамонликлари учун икки орден ва 10 та медаллар билан тақдирланди. Қишлоғига ғалаба билан қайтган Мели Муҳамедов яна ўзининг севган касби — педагоглиқни давом эттирди. Мана ўттиз йилдан знёд вақтдан бери у Калинин район Свердлов қишлоқ Совети территориясидаги 3-кечки ишчи-ёшлар мактабида тарих фанидан дарс бериб келмоқда.

Мели ака дарсни тугатиб ташқарига чиқди. Этни жунжитувчи шамол аралаш қор учқунлаяпти. Асфальт юзини енгил қоплаган қор оёқ остида ғижирлайди. Қишлоқ кўчасида бир ўзи оҳиста юриб боряпти. Абдулла Ортиқов номли ҳамда «Бўстон» кўчаларидан ўтиб борар экан, яқин-яқинларда кўчалар қишда тизза бўйи лойлигини, ёзда эса чангдан чиқмаслигини эсладн. Мана энди бу кўчалар Ильич нури билан ёритилган, йўллар асфальтланган. Бунда маҳаллага бошчилик қилаётган Улуғ Ватан уруши ветерани кекса педагог Мели Муҳамедовнинг катта ҳиссаси бор. У ҳамқишлоқлари мушкулини осон этиш, кўчаларни равон, манзилни яқин этиш мақсадида қанчадан-қанча идораларга қатнамади дейсиз. Ремс елиб-югуриши, жон куйдириши туфайли ўтган йили ҳам Ҳамид Олимжон номли, Убай Мусаев номли, «Маданият» кўчаларн асфальтланди. Кўчалар яшил либосга бурканди. Анқиқар равонлаштирилиб, йўл четларига гул кўчатлар ўтқазилди. Маҳалла оқсоқоли бу ишларни кенг жамоатчилик кўмагида амалга оширди. Свердлов қишлоқ советининг ранси Юсуф Файзиев, Свердлов номли совхоз директори Раҳмат Усмонов ва бошқа активлар билан эл манфаатини ўйлаб иш тутаётганлиги учун ҳам Калинин районидаги Свердлов номли қишлоқ Советидаги «Сортепа» маҳалла аҳлининг ҳурматини қозонмоқда. Мели Муҳамедов эса элюрт учун хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб биладн.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
Т. ЮСУПОВ.

ЧЕТ ЭЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

САДОҚАТ

ИТАЛИЯДАГИ Пиза шаҳарида жойлашган цирк маъмурияти ташвишда қолди: томошабинларнинг севимли номерларини ижро этувчи Сандра исмли фил ўлиб қолди. Унинг иштирокидаги номерлар ҳамиша томошабин томонидан қизғин кутиб олинарди.

Филнинг ўлимига унинг ўргатувчиси Гельмут Кроннинг циркдан бутунлай кетишга қарор қилганлиги сабаб бўлган. Гувоҳларнинг айтишича, Крон Сандра билан ҳайрлашаётган вақтда филнинг кўзидан ёш аримаган. Шундан сўнг фил «очлик эълон қилиб», ёнига ҳеч кимни йўлатмаган.

Одамнинг фил билан бу дўстлиги 18 йил давом этган.

БОЙЛАР ВИНОСИ

ЯҚИНДА Лондонда ким ошди савдосида 249 йилдан буён сақлаб келинган немис узум виносининг бир шишаси 205 фунт стерлингга сотилган.

Мутахассисларнинг айтишича, Бремен шаҳрида XVIII асрнинг бошларида узумнинг энг яхши навларидан тайёрланган бу вино ҳозир ҳам ўз сифатини йўқотмаган.

1945 йилда Бремен шаҳрига иттифоқчиларнинг қўшини кирмасидан аввал бу ердаги машҳур вино сақланадиган ертўлалар талон-тарож қилинган эди. Аммо ўшанда устига «Саломатлик учун ҳаффли» деб ёзилган бир бочка вино омон қолган. Энди орадан 30 йил ўтгач, шу бочкада сақлаб келинган вино шишаларга қуйилиб, биринчи бор Лондондаги бозорда сотилган.

ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

ТАҚРИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗнинг деярлик барча шаҳар ва қишлоқларини кезиб, ижодкор халқимиз томонидан яратилган, даврлар оша бизгача етиб келган оғзаки ижод дурдоналарини йиғиб нашр эттираётган олимлар бор. Уларнинг фидоийлиги туфайли кўпгина профессионал, бадиҳагўй — бахшилар, эртакчи-достончилар кенг жамоатчиликка танилиб келинмоқда.

Е. Э. Бертельс, Ҳ. Зарифов, М. Афзалов, М. Алавия каби илм зақматкашлари ана шундай эзгулиққа даҳлдор олимлар сирасига киради. Бинобарин, халқ ижодининг турли фольклор жанрларида яратилган қатор жозибали асарлари орқали биз халқимизнинг узоқ ўтмишдаги орзу-истаклари, психологияси, урф-одатларини яққол тасаввур эта оламиз. Ўзбек фольклори асарларининг ижтимоий—синфий моҳиятини аниқлаш, уларнинг классификациясини ўрганиш бўйича жиддий тадқиқотлар юзага келган ва юзага келмоқда.

Ҳозирги давр талаби ҳам илғор анъаналарни ривожлантирган ҳолда тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, сифат ва савиясини кўтаришни тақозо қилмоқда.

Бу жиҳатдан фольклоршунос олим Ғайрат Жалоловнинг ўзбек фольклорининг катта эпик турларидан бири бўлган эртак жанрини ўрганишга бағишланган (профессор Собир Мирвалиев муҳаррирлигида «Фан» нашриёти 1976 йилда босиб чиқарган) «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» асарининг нашр этилиши диққатга сазовордир. Олим бундан олдин нашр этилган «Ҳамза поэзияси ва халқ оғзаки ижоди», «Эртак ва ҳаёт» каби рисолаларида халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга, хусусан фольклор асарларининг Ҳамза ижодига таъсирини синчиклаб ўрганиб, Ҳамза халқ тарихи, интилишларини ифода этган фольклор асарларини севиб ўрганганлигини, улардан озиқланиб, илғор революцион ғояларни ташувчи, ихчам, лўнда мисралар битиб, халқ тилидан унумли фойдаланган ҳолда ранг-баранг услубдаги асарлар яратганини асослаб берган эди.

Ғ. Жалолов «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» монографиясида эса халқ ижоди меваси бўлган эртаклардаги фантазиянинг реал ҳаёт билан боғлиқлиги ,уларнинг турли вариантларини қиёслаб ўзига мос томонларини: жанр хусусияти, ғоя ва образлар системаси, улардаги мотивларнинг кўп қатламлилиги, қолаверса эртак жанрининг ёзма адабиёт билан ўзаро муносабати каби қатор проблемаларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўйган.

Монографиянинг диққатга сазовор томони шундаки, автор шу кунга қадар ўзбек фольклоршуослигида кам эътибор берилиб келинаётган фольклор асарларидаги уйдирма ва фантастика, фантастик эртаклардаги мотивлар генезиси ва улардаги традицион тугалланмалар ҳақида мавжуд тарқоқ фикрларни илмий хулосалар билан тўлдирган. Ғоявий мазмун жиҳатидан бирхусусиятларини ўрганишга бағишланган қисми ҳам фактларга бойлиги, хилма-хил ва қизиқарли маълумотлар берилиши, айниқса, авторнинг янги хулосалар чиқаришга интилиши билан ҳам диққатни тортади. Автор кишиларнинг дастлабки ривожланиш пайтида маиший ҳамда психологик шароитларнинг ўхшашлиги, мустақил, айни пайтда бир-бирига ўхшаш сюжет ва мотивларни юзага келтирганини «Арпа полвон», «Ҳусанжон», «Илонни енгувчи», «Кенжа ботир», «Зумрад ва Қиммат» каби кўпгина эртакларни чуқур таҳлил қилиш орқали далиллайди. Автор ранг-баранг ўхшаш мотивларнинг юзага келишини кузатар экан, Искандар Зулқарнай номи билан мавжуд эртакларни атрофлича таҳлил қилади, Искандарнинг ҳам оддий шоҳ, ҳам залбий—золим сифатида намоён бўлишини кўрсатади. Бу халқимизнинг жуда қадим замонлардан бошлаб шаклланган ақлоқ нормаларининг ифодаланиши натижаси эканлигини А. Навоий, Хисрав Деҳлавий, Абдурраҳмон Жомий поэмаларидан ҳамда эртаклардан келтирилган мисоллар асосида аниқлайди.

Монографияда чуқур ва ҳар томонлама анализ қилинган масалалардан яна бири ҳаётий сатирик эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиши, ғоявий мазмуни ҳақидадир.

Маълумки ҳаётий-сатирик эртакларнинг баъзи мотивлари ибтидоий жамоа даврида юзага келган афсоналарга ҳам бориб тақалади. Чунки, рус ва жаҳон халқлари эртакларида мавжуд машҳур мотивларнинг кўпчилиги юмористик характерга эгадир.

Бу жиҳатдан муаллифнинг ҳақиқат учун курашувчи Алдар кўса каби социал типлар, фантастик эртаклардан астасекин дуалистик тушунчалар туфайли сатирик эртакларга ўтиб, сатирик асарларнинг асосий қаҳрамони бўлиб қолган деган фикр илгари сурилади.

Ғ. Жалолов эртаклар морфологиясини текширар экан, 1926 йилда Тиллабиби Дадасардор қизидан Музаяна Алавия ёзиб олган «Қирон ака» ҳамда 1950 йилда Фаттоҳ Абдуллаев хоразмлик эртакчи Нуржонбой Иброҳимовдан ёзиб олган «Қирон ботир» эртагини қиёсий ўрганиб, бир сюжет асосига қурилган ўнга яқин мотив борлигини аниқлайди.

Шунингдек монографияда эртаклардаги турғун ва ўзгарувчи мотивлар, қаҳрамонлар аро конфликтнинг турлари (масалан, қаҳрамон билан дев, жодугар кампир, аждар орасидаги) анъанавий формулалар, (бир эртакдан иккинчисига кўчиб юрувчи тайёр жумлалар) халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири каби қатор актуал масалалар юзасидан ҳам қизиқарли фикрлар билдирилган. Бироқ монографияда айрим мунозарага молик фикрлар ҳам йўқ эмас. Масалан, авторнинг «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ», (Ҳамид Олимжон) «Зангори гилам» (С. Жўра), «Қирғизбой ва сичконбой» (Қ. Муҳаммадий) каби болалар учун яратилган асарларда эртаклар сюжети ва композицияси, образлари сақланган ҳолда айрим эпизод, деталлар ўзгартирилади» (148-бет) деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Ҳамид Олимжон «Ойгул ва Бахтиёр» эртагида («Замона билан жўр» В .М. Жирмунский) бўла оладиган реалистик бўёқларни тоза олди. Шунинг учун ҳам «Маликаи Ҳуснобод» эртагини бутунлай қайта ишлаб, унга янги мазмун бахш этди.

Бундай нуқсонлар монографиянинг илмий қимматини камситмайди, албатта. Асарни китобхонлар қизиқиш билан кутиб олишига ва фольклоршуослигимизга қўшилган янги ижодий-илмий ҳисса бўлишига аминмиз.

Н. РАҲИМОВ,
Филология фанлари доктори.

Ҳ. ЭГАМОВ,
Филология фанлари кандидати.

РАҚС ПАРВОЗИ.

А. Абалян фотоэтюди.

Спорт

ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАР

«Пахтакор» футболчилари шу кунларда Ҳиндистонда меҳмон бўлиб туришибди. Улар бу ерда маҳаллий футболчилар билан иккита ўртоқлик ўйинини ўтказдилар. Биринчи учрашувни командамиз Калькуттада «Мохун баган» футболчилари билан ўтказиб, 3:0 ҳисобида ғолиб келишди. Тўпларни Олег Еремеев (иккита) ва Владимир Федоровлар киритишди.

Ўзининг иккинчи ўйинини шу ерда «Шарқий Бенгалия» командаси билан ўтказган «Пахтакор» яна ғалабага эришди. Ҳисоб 1:0. Тўпни Константин Бакаев киритди.

Республикамизда Польшанинг «Загленбе» футболчилари меҳмон бўлиб туришибди. Улар биринчи учрашувни Фарғонада маҳаллий «Нефтяник» командаси билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Меҳмонлар Навоий шаҳрида маҳаллий «Зарафшон» футболчилари билан ўтказган иккинчи ўйинда эса ана шундай ҳисобда енгилишди. Тўпларни Р. Ҳисматулин ва П. Архиповлар киритди.

ГАЗЕТА КУБОГИ УЧУН

«Известия» газетаси Кубоги учун Вильнюс, Куйбишев ва Қарағанда шаҳарларида ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди. Ҳар қайси шаҳарда дастлабки тўртта ўринни эгаллаган командалар Ленинградда бўладиган финал мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Тошкентлик енгил атлетикачилар Қарағанда шаҳрида куч синашишди. Программанинг 19 турида қатнашган тошкентликлар биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаш олишмади. Москванинг «Труд», Қарағанда, Свердловск ва Челябинск спортчиклари финалга чиқишди. Тошкентликлар умумкоманда ҳисобида еттинчи ўринда қолишди.

САФАРДА ИККИ ҒАЛАБА

Мамлакат чемпионатининг биринчи группасида қатнашаётган Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари ўзларининг навбатдаги учрашувларини Ереван шаҳрида физкультура институти спорт клуби командаси билан ўтказишди. Иккала ўйинда ҳам тошкентликлар бир хил — 3:1 ҳисобида устун келишди. Волейболчиларимиз группада кучли учлик сафида бормоқда.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИДА

Марказий шахмат-шашка клубида халқаро шашка бўйича республика XXI чемпионати давом этмоқда. Навбатдаги 13-турда ғолибликка даъвогарлар ва эски рақиблар бўлган халқаро мастер С. Давидов ва спорт мастери С. Гуляевлар учрашди. Эҳтиёткорлик ва кескин кураш остида ўтган бу баҳс дуранг бўлиб тугади. 13 турдан сўнг 12 очко тўплаган С. Давидов пешқадамлик қилмоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЯНГИ ПРОГРАММА

«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ.
АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ ҒАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР доимо маненда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «Ўзбекистон йигитлари» коллективи иштирок этади.

Томошалар ҳар кунн 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАНДИ.
Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91; 44-39-84.

СССР Йўллар министрлиги
МЕТРОПОЛИТЕНЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ
ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ
ТЕХНИКА МАКТАБИ БАЗАСИДА

1 МАРТДАН БОШЛАБ

ЙЎЛ МОНТЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

КУРСЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

КУРСЛАРГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш давомида ҳар ойда 69 сўм стипендия берилади.
Ўқиш муддати — 3 ойдан 6 ойгача.

Ўқишни тугатганлар Тошкент метрополитенида ишлайдилар ва темирйўлчиларга бериладиган барча имтиёзлардан, жумладан СССР темир йўлларида бир йилда бир марта ва метрополитенда бепул юриш имкониятларидан фойдаланадилар.

ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА, ОИЛАЛИКЛАРГА ЭСА НАВБАТ БИЛАН ТУРАР ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-60, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон: 33-90-15.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **Хўрланганлар** (бадиий фильм, 2-серия). 11.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.05 — **Иудушка Головлев** (бадиий фильм). 17.45 — **Фан оламида.** 18.15 —Горичилар, қаердасиз? 19.00 —Янгиликлар. 19.10 — Расмларда қуёш акси бор. 19.25 —Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.35 — **«Камалак».** 20.05 — Спортлото. 20.15 — **Хўрланганлар** (бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — «Поэзия». 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Химия. 12.00—Ҳужжатли фильм. 12.30 — Химия. 13.00 — **Коцюбинскийлар оиласи** (бадиий фильм, 2-серия). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Еш табиатшунослар. 19.15 — Жанговар постда. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 —Миллионлар ленинча университети. 20.15 — Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари. 21.00 — **Ахборот.** 21.20—Б. Ҳамдамов ва Ҳ. Одилов концерти. 22.00 — **«Вақт»** 22.30 — Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин. 22.45 — **Хоккей:** «БИНОКОР» — СКА (Куйбишев). (3-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Эстетика. 19.45 — Француз тили. 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Пропагандистлар ҳақида ҳикоялар. 21.05— Ўқитувчи экрани. 21.35 — Химия.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16 II да **Испан миниатюралари,** 17 II да **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16 II да **Ой тутилган тунда** (билетлар сотилган), 17 II да **Қиёмат қарз** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —16 II да **Қонли тўй,** 18 II да **Ужарлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16 II да **Ишқ қурбонлари** (16.00), 17 II да **Ишқ қурбонлари** (17.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Рампа чироқлари** (кундуз ва кечқурун).

Рампа чироқлари — «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Эски милтиқ — «ДРУЖБА» (12, 13.40, 16, 17.40, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Кексалар учун эрмак — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Барҳаёт кишилар — ҲАМЗА номли, «НУКУС» (тоқ соатларда).

Қалдирғочлар баҳорда учиб келади — «КЎКЧА» (11, 13, 15, 17, 19.00).

Малиновкада тўй — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Юлдуз юқорига тушади — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.15).

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ РУС АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

бош энергетик, реквизиторлар, декорация монтировкачилари, бутафорлар

КЕРАК.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАР

Қиш қаҳрига минган чоғларда шўҳоқар Оқчасой қирғоқлари, чор атрофни ўраб турган Чотқол тизмалари афсонавий тус олади. Ҳамма ёқ оппоқ қор билан бурканган, сойнинг кумушдек тиниқ суви эса сеҳрли жилдираб оқади. Бир қарашда табиат уйқуда ётгандек туюлиши мумкин, лекин бу алдамчи таассурот.

Тепаликнинг этагида колхоз отарлари кўзга ташланади. Сал пастроқда жуда қатиқ совуқда ҳам музламай, диган булоқ бошида эса эски танишим чўпон, Аблаз Ўрозалиев чой қайнатаяпти. У мени нонуштага таклиф қилди. Чўпонлар даврасида суҳбатлашиб ўтиргандик, тақиллаган овоз эшитилди. Дарҳол тушундим. Қизилиштон дарахт кавагидан ўзига нонушта изларди.

Тутзордаги кекса дарахтлардан бирида жажжигина қушча эўр бериб кавакни тақиллатиб ковларди. У дарахтнинг қуриб қолган ерини чўқиб, узун тумшуғини кавакка тиқар, у ердан нимадир топиб ерди.

Қуш нонушта учун ҳашоратларни қидираётиб, баъзида тўхтаб қолар, кейин эса тумшуғини анча пайтгача тешикка тиқиб турарди. Бунинг сабабини чўпон дўстим айтиб берди.

Қизилиштоннинг тили ов, қат топиш учун энг муҳим қурол экан. Бошқа қушлар ўз ўлжаларини тумшуқлари билан қўлга туширсалар, қизилиштон дарахтларнинг кавагига тилини тиқиб, ҳашаротларни ов қилади. Чунки торгина кавакнинг ичида тумшуғи билан бемалол ҳаракат қила олмайди.

Шу пайт қизилиштоннинг ёнига читтак келиб қўнди. У қизилиштонни узоқ кузатиб турди, сўнгра дарахт танасидан тушган ҳар хил ҳашаротларни териб ея бошлади. Бироздан кейин яна бир читтак келиб, қўшилди. да, у ҳам қизилиштоннинг дастурхонига «шерик» бўлди.

Чўпонлар ўз дастурхонларидан нон ушоқларини олиб, қушларга сочишди. Бир пастда бояги читтаклар учиб келишди-да, нон ушоқларини талаб кетишди.

— Қиш бўйи шу қушчалар бизнинг ажралмас йўлдошларимиз,— дейди чўпон Аблаз Ўрозалиев.— Биз уларга овқат берамиз, эвазига эса қушлар бизга сайраб беришади.

Дарҳақиқат бироздан кейин тоғ сукунатини қушларнинг овози бузди. Муздек тоғ ҳавоси, оқ чойшабга ўранган тоғлар, айниқса сайроқи қушларнинг овози кишига ҳузур бахш этарди. Чўпонлар билан хайрлашар эканман, ҳамон қулоқларим остидан сайроқи қушларнинг овози кетмас эди.

В. УРИЦКИЙ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 01208. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1565.